

«Ўзагросугурта» АЖнинг 2018 йил молиявий натижасидаги соф фойдасини тақсимлаш.

Соф фойданинг тақсимлаш йўналиши	Тақсимланадиган соф фойданинг сўмдаги миқдори	Соф фойданинг тақсимлаш бўйича асос
Соф фойда (100%)	4 547 448,8 минг сўм	
Жамият Захира фондига (5%)	227 372,44	“Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонунининг 32-моддаси ва Жамият Уставининг 9.1, 9.2 бандларига мувофиқ
Олдинги йиллар бўйича тўпланиб келган қопланмаган зарарни қоплашга (75,84%)	3 449 186,6 минг сўм	«Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 54-моддаси Дивидендларни тўлашга доир чекловлар: Агар жамият соф активларининг қиймати унинг устав фонди (устав капитали) ва захира фонди суммасидан кам бўлса, акциялар бўйича дивидендлар тўлаш тўғрисида қарор қабул қилишга ҳамда дивидендлар тўлашга ҳақли эмас. Жорий йилнинг 1 январь ҳолатига жамият устав капитали 108 955 938,7 минг сўм, соф активлар қиймати 64 359 923,9 минг сўмга тенг
Жамият ходимларини 2018 йил якунлари бўйича мукофотлашга (18,8%)	854 489,76 минг сўм	“Ўзагросугурта” АЖ тизимидаги ходимлар меҳнатига ҳақ тўлаш тўғрисида”ги Низомга асосан Жамият Бошқаруви ва ҳудудий филиал ходимларини рағбатлантириш учун жами 854 489,76 минг сўм
Имтиёзли акция бўйича акциянинг номинал қиймати 3280 сўмдан 1 дона акцияга 25,00 фоиз ёки 820 сўмдан – 16 400,0 минг сўм (0,36%)	16 400,0 минг сўм	Жамият уставининг 6.18-бандига мувофиқ имтиёзли акциялар эгаларига жамият фойда кўриши-кўрмаслигидан қатъий назар, имтиёзли акциялар номинал қийматининг 25 фоизи миқдорида дивиденд тўлашиши белгиланганлиги муносабати билан, соф фойда ҳисобидан 16 400,0 минг сўм имтиёзли акциялар учун дивиденд тўловига, яъни номинал қийматининг йигирма беши фоизи миқдорида ёки ҳар бир имтиёзли акциялар учун 820,0 сўмдан йўналтирилсин; Имтиёзли акциялар учун дивидендларни пул кўришишида тўлаш, тўловларни ушибу қарор қабул қилинган кундан эътиборан олти кундан кеч бўлмаган ҳолда юридик шахсларга уларни ҳисоб рақамига пул кўчириши йўли билан, жисмоний шахсларга талаб қилиб келган акциядорлар ва уларнинг қонуний вакилларига пластик картасига пул кўчириши йўли билан ва «Ўзбекистон почтаси» АЖ орқали пул ўтказмаси сифатида амалга ошириши ва қонунчилик талабларига мувофиқ тўлов билан боғлиқ барча харажатларни (тўлов манбаидан ушланадиган даромад солигидан ташқари) жамият ҳисобидан амалга оширилсин.